

# КУТУБХОНАГА ЙЎЛИНГИЗ ТУШИБ ТУРАДИМИ?

## Мутолаа маданияти билан боғлиқ муаммолар

Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бўлган китоб ҳақида неча-неча авлодлар ҳайрат билан сўзлаб келганлар. Бу ҳайрат бугун ҳам инсон боласини тарк этмаган, бироқ бу борада айрим муаммолар борлиги ҳам сир эмас.

Дарҳақиқат, китоб нафақат инсониятнинг ёзма хотираси, балки унинг бугунини белгилаб берувчи ва келажagini башорат қилувчи мислсиз ҳилқатдир. Китобсиз илму маърифатга эришишни, илму маърифатсиз эса, тўқис жамият қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, бундан китобхонлик анъаналарини ривожлантириш, мутолаа маданиятини шакллантириш ва тараққий топтириш гоёта долзарб вазифа эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Жамиятда мутолаа маданиятини шакллантиришга бел бўлиб хизмат қиладиган муассасаларнинг олдинги сафида кутубхоналар туради. Шундай экан, кутубхоначилик ҳўжалигимизга бир назар ташлаб, ютуқ ва камчиликларимизга баҳо берсак, юзага келган муаммоларнинг ечими хусусида фикрлашсак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли вазирликлар, идора ва ташкилотлар тасарруфидаги 17 мингдан зиёд кутубхона 140 миллион жилддан ортққ фонди билан китобхонларга хизмат кўрсатаяпти. Аслида бу кам имконият эмас. Бунинг устига ўн мингдан зиёд мактаб, юзлаб лицей ва коллежлар, қанчадан-қанча олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш учун зарур салоҳият борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Лекин ҳамма гап мана шу имкониятларни ишга солишда, фаоллаштиришда. Сабаби, кутубхонадаги ганжина ундан фойдаланилгандагина кишиларнинг онгу шуурига сингиб, қалбига жо бўлиб, заковат чечагини ундиради, маънавий оламини нурафшон этади.

Очиғини айтиш керак, кейинги вақтларда китобхонлик даражасининг пасайиб кетгани хусусидаги хавотирларда жон бор. Буни фақат ўтиш даврининг қийинчиликларига боғлаб қўйиш муаммони ўта жўн изохлаш бўлар эди. Бу муаммони икки нуқтаи-назардан, яъни кутубхона ва китобхон позициясидан туриб ўрганиш керак. Маълумки, бозор иқтисоди шароитида "талаб ва таклиф" қондаси амал қилади. Бу қондани кутубхоначилик соҳасига жорий этганда, китобхонни қизиқтирган манбани кутубхона унга тақдим эта оляптими, деган савол келиб чиқади. Ҳар қандай кутубхонанинг обрў-эътиборини, имиджини ана шу саволга берилган ижобий жавоб белгилайди. Афсуски, бугунги кунда жуда кўп кутубхоналар ўз китобхонларининг эҳтиёжларига яраша хизмат кўрсата олмаяпти.

Бугунги китобхон – прагматист, у энг замонавий билимларни, маълумотларни тез ва сифатли ўзлаштиришга интилади. Кўнгил ҳаваси учун кутубхонада вақт утказадиганлар ҳозир жуда кам. Аксинча, аниқ мақсад-муддао билан кутубхона остонасига қадам қуювчи китобхон кўпчиликни ташкил этади. Айтилик, электр пайвандлаш бўйича замонавий усулни ўрганиш ниятида ташриф буюрган китобхонга зидлик билан, дейлик, Японияда чиққан мазкур соҳага оид энг янги китоб тақдим этилса ва шу асосда у ўз малакасини бир қадар оширишга эришса, ишонаверинг, шу масканга унинг йўли яна тушади.

Ўтган йили Берлинда бўлган кутубхоначилар халқаро форумида сўзга чиққан бир профессор бугунги китобхоннинг қиёфаси ҳақида гапириб, Германиянинг қайси шаҳарида ишсизлар кўп бўлса, ўша ерда кутубхонага қатнов ортишини, чунки меҳнат бозоридаги рақобатда билим-малакаси юқори мутахассиснинг қўли баланд келишини айтган эди. Демак, ўша гап – китобхонни кутубхонага манфаат етаклаб келади.

Кутубхонадаги манбалар фойдаланувчиларнинг эҳтиёжига мос бўлган тақдирдагина у замонавий, жозибали масканга айланиши мумкин. Бунинг учун, биринчидан, китоб фондларини муттасил янгилаб бориш зарур. Эндиликда кутубхона фондиди тўлдириш деганда, анъанавий китоб, газета-журналлардан ташқари электрон маълумотлар базаларини ҳам назарда тутиш лозим.

Иккинчидан, кутубхона жараёнларини компьютерлаштириш, унга янги ахборот технологияларини жорий этиш керак. Очиғи, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар мўл-кўл. Республика, вилоят кутубхоналари ва баъзи туман марказий кутубхоналарини айтмаганда, оммавий кутубхоналарнинг аксарияти бу замонавий воситалардан бебаҳра. Кутубхоналарнинг компьютерлаштирилиши хизмат кўрсатишни тезлаштиради, китобхонга ҳам, кутубхоначига ҳам кўпгина қўлайликлар яратади. Компьютер техникасини қўллаш, биринчи навбатда, манбани қидириб топишни осонлаштириш, қолаверса, кутубхонанинг электрон ресурсларини ташкил этиш учун зарурдир.

Электрон каталоглар яратиш масаласида бизда дастлабки қадамлар қўйилди. Пойтахтдаги йирик кутубхоналардан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Республика Тиббиёт кутубхонаси, Тошкент техника университети кутубхонаси биргаликда электрон каталог тузишга киришиб, ҳозиргача 130 мингдан зиёд китобнинг тавсифини компьютер хотирасига жойлади. Энг муҳими, мазкур кутубхоналарнинг веб-сайтига кириб, бу манбалардан бепул фойдала-

ниш мумкин. Аммо бу — денгиздан томчидай гап. Чунки биргина Миллий кутубхонанинг 10 миллионга яқин фондининг электрон каталогини яратиш учун йиллар керак бўлади.

Умуман, кутубхона фондларини, аввало, ноёб, нодир китобларни сканер қилиб электрон шаклга ўтказиш, бошқача айтганда, электрон ресурслар ташкил этиш шу китобларнинг сақланишини таъминлаш билан бир қаторда улардан фойдаланишнинг имконият ва куламини кенгайтиради. Ҳатто уларни бошқа юртлардаги талабгорларга етказиб бериш, сотиш имконини яратади. Электрон кутубхоналарни ташкил этиш эса, умумдават дастури асосида амалга оширилиши мумкин бўлган кенг миқёсли тадбирдир.

Учинчидан, кутубхоначилик соҳасини бошқариш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш учун унинг қонуний асосини яратиш зарур. Афсуски, бу соҳада ҳамон бирор қонун ҳужжати қабул қилинмади. “Кутубхоначилик иши тўғрисида”ги Қонун, соҳани ривожлантириш концепциясига доир лойиҳалар ишлаб чиқилди, бироқ улар якунига етказилмасдан турибди. Кутубхоначилик соҳасини ҳимоя қилувчи қонуннинг йўқлиги турли-туман қийинчиликларни, англашилмовчиликларни юзага чиқаради. Масалан, Миллий кутубхона ўтган йили 2004 йил учун хорижий илмий журналларга обуна бўлган. Шу журналларни олиш пайтида божхона органлари кутубхона зиммасига импорт божи тўлашни юкламоқда. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 189-сон қарорига биноан, бюджет ташкилотлари ўз эҳтиёжи учун бюджет маблағлари эвазига хориждан товарлар олиб келса, импорт божи тўлашдан озод қилиниши керак. Аҳолининг бепул фойдаланиши учун мулжалланган журналларга савдо-сотик товарлари сингари бож қўйилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тўртинчидан, кутубхоналарга янги технологияларнинг кириб келиши кутубхоначи кадрларнинг янги авлодини тайёрлашни тақозо қилмоқда. Олий маълумотли кутубхоначилар биргина Тошкент давлат маданият институтининг кутубхоначилик ва ахборот фалиятини бошқарув факультетида йилига 30-35 нафардан тайёрланади. Бу эса соҳанинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас. Бу факультетга қабул сонини кўпайтириш билан бирга, Ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Техника университети сингари дорилфунунларда янги ахборот технологиялари мутахассислар тайёрлайдиган қўшимча кутубхонашунослик бўлиmlари очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кадрларни қайта тайёрлаб, уларга замонавий билим ва кўникмаларни бериш учун Маданият институти, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузурида малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳам муаммони бир қадар ҳал этишга ёрдам беради.

Бешинчидан, ривожланган мамлакатлардаги каби йирик кутубхоналар қошида мутолаа марказлари ташкил этиш керак. Мисол учун,

АҚШнинг Конгресс кутубхонасида ташкил этилган “Китоб маркази”нинг 47 та штатда филиаллари муттасил фаолият олиб боради. Бундан кузланган мақсад мамлакатда мутолаа маданиятини юксак даражада ушлаб туриш, китобхонлиқни аҳолининг ҳамма табақалари орасида кенг ёйишдан иборатдир. Чунки америкаликларнинг фикрича, мутолаа қилувчи одам – “Номо legends” ҳар қандай ислохотларнинг марказида туради.

Кутубхоналарнинг, айниқса, оммавий универсал кутубхоналарнинг аҳоли билан мулоқотини кучайтириш лозим. Чулпон айтган: “халқ ичига борайлик” деган шиор бугунги кунда долзарб бўлиб қолди. Кутубхона ўз биёсоти куз-куз қилиб, кишиларни ўзига жалб эта олсин. Бизда кенг маънодаги китоб рекламаси йўлга қўйилмаган. Бу борада ноширлар, китоб савдоси ходимлари билан бир қаторда кутубхоначилар ҳам ташаббус кўрсатса, нур устига нур булар эди. Аҳолимиз қайси кутубхонага қандай янги китоб, янги манбалар келиб тушганидан бохабар бўлиб боргани маъқул. Бунинг учун кутубхоначилик соҳасининг даврий нашрини ташкил этиш зарур.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси яқинда Буюк Британиянинг Proquest компаниясидан диссертация ва авторефератларнинг электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш пароллини (калитини) олди. Эндиликда бизнинг аъзоларимиз интернет орқали фаннинг ҳамма соҳалари бўйича инглиз тилида ёқланган диссертация авторефератларининг тўлиқ матнини олишлари мумкин. Хоҳланг — бундан олти ой олдин ёқланганини, хоҳланг — юз йил олдинги авторефератлар билан танишасиз. Диссертацияларнинг умумий сони бир ярим миллиондан ортиқ. Диссертациянинг тўлиқ матни билан танишмоқчи бўлганлар қўшимча буюртма орқали бунга эришади.

Албатта, бундай ахборот билан кутубхонага келувчилар янгилик ва эълонлар тахтаси орқали танишиши мумкин. Лекин, юқорида айтганимдай, профессионал нашр бўлса, бу янгилик бутун элга аён бўлади.

Кутубхона ишини фаоллаштиришда муаллифлар билан учрашувлар, китобхонлар анжуманларининг аҳамияти катта. 2003 йили 20 сентябрдан 30 сентябргача Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси, Миллий кутубхона ва бир қанча вазирликлар ташаббуси билан “Китобхонлик куни” номи остида туркум тадбирлар уюштирилган эди. Вилоят ва туманлардан келган хабарлар, радио ва телевидениедаги эшиттириш ва кўрсатувлар, газеталардаги чиқишлар бу тадбирларнинг самарасидан далолат берди. Бу йил ҳам ана шундай тадбирлар ўтказилди. Уларнинг натижалари “Китобхонлик куни”нинг анъанага айланиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди.

Хуллас, халқимизнинг китобга иштиёқини ошириш, мутолаа маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш бир томонлама ҳаракат эмас. Бу ерда инсон китобга, китоб (кутубхона) эса инсонга кўмаклашиши керак.

**Абдусалом УМАРОВ,**  
**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон**  
**Миллий кутубхонаси директори**